

## ХИТОЙДА СЎНГГИ ЧИНГ СУЛОЛАСИ<sup>1</sup> ДАВРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336017>

**Очилов Озоджон Мардиевич**

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Хитой филологияси” кафедраси доценти

**Аннотация:** Чинг сулоласининг сўнги давр шеърияти қатор тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилаётгани сир эмас. Сўнги йилларда кўплаб мутахассис ва олимлар бу муҳим даврга эътибор қаратиб, самарали натижаларга эришмоқда. Бироқ, бу шеърият ҳаракатига умумий баҳо бериш ва унинг хитой адабиёти тарихида тутган ўрнини аниқлаш ёки унинг ички тафсилотларини ўрганиш ва тартибга солиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ҳали кўп баҳсли жиҳатлар ва тадқиқий бўшлиқлар мавжуд. Мақолада 20-асрда бу давр адабиёти борасида қилинган тадқиқотлар таҳлил қилинади.

**Калим сўзлар:** Чинг сулоласи, хитой адабиёти, шеърият, эволюция, анъанавий шеърият, замонавий шеърият

**Annotation:** It is no secret that the poetry of the late Qing Dynasty is being studied by several researchers. In recent years, many experts and scientists have been focusing on this critical period and achieving effective results. However, there are still many controversial aspects and research gaps, even though research is being conducted to give a general assessment of this poetry movement and determine its place in the history of Chinese literature or to study and arrange its internal details. An analysis of the literary research of this period in the 20th century is presented in this article.

**Key words:** Qing Dynasty, Chinese literature, poetry, evolution, traditional poetry, modern poetry

Чинг сулоласининг сўнги давр шеърияти қатор тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилаётгани сир эмас. Сўнги йилларда кўплаб мутахассис ва олимлар бу муҳим даврга эътибор қаратиб, самарали натижаларга эришмоқда. Бироқ, бу шеърият ҳаракатига умумий баҳо бериш ва унинг хитой адабиёти тарихида тутган ўрнини аниқлаш ёки унинг ички тафсилотларини ўрганиш ва тартибга солиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ҳали кўп баҳсли жиҳатлар ва тадқиқий бўшлиқлар мавжуд. Айниқса, ўша даврда бошланган шеърий эврилишлар билан замонавий янги шеъриятнинг вужудга келиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда, у хоҳ ижобий хоҳ салбий рол ўйнаган бўлишидан қатъи назар, буни тасдиқлаш учун етарлича ва кучли далиллар керак. Бинобарин, шеърий эволюция ва унинг замонавий янги шеърият билан алоқасини қайта аниқлаш учун шеъриятнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзгаришларини тадқиқ қилиш ва бу борада қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик методларга суяниш зарур бўлади.

Хитой адабиёти тарихида катта бурилишга сабаб бўлган давр, 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларидаги адабиётни хитой олимлари турлича талқин қилиб келишади. Бугунги антик адабиёт тарихига оид асарларнинг аксарияти бу давр адабиётининг ўзига хослигига бефарқ муносабатда бўлиб, айримлари уни қадим адабиётнинг сўнги қисми сифатида

<sup>1</sup> 1840-1912 йиллар

баҳолайди. Масалан, Ё Гуо-эннинг “Хитой адабиёти тарихи”<sup>2</sup> асари яққол мисол. Айрим адабиётлар эса бу дарврни очикчасига адабиёт тарихидан бутунлай чиқариб уни Яқин ва Замоनावий давр адабиётига қўшиб юборилганини кўриш мумкин. Гуо Юйхенг “Хитой қадимги адабиёти тарихи”<sup>3</sup> да Чинг сулоласи адабиётининг тўртта даврдан бирига киритилган ва унга алоҳида урғу берилмаганлиги кузатилади. Айрим замонавий адабиёт тарихига бағишланган ишлар замонавий адабиётни тўғридан-тўғри 1917 йилдан, яъни “Маданият инқилоби” рўй берган вақтдан бошлашади. Ундан олдинги адабиёт билан узвий боғланиш йўқ. Унгача бўлган 20-30 йиллик адабиёт инқилобнинг юзага келишида катта рол ўйнағалиги эътибордан четда қолдирилади. Хитой адабиёти тарихида 19-асрнинг ўрталаридан то 1919 йилгача бўлган оралик Яқин давр адабиёти деб номланди, у Қадимги адабиёт билан Замоनावий адабиёт ўртасида “кўприк” вазифасини ўтаган. Гуо Янли “Хитой Янги давр адабиётининг ривожланиш тарихи” асарининг сўзбошисида шундай таъкидлаб ўтади: “Хитой яқин давр адабиёти бу хитой қадимги адабиётининг ривожини ва ниҳоясидир, шунингдек замонавий адабиётнинг эмбриони ҳамдир, бу ўтмиш ва келажакни боғлаш маъносига эгадир. Яқин давр адабиёти хитой адабиёти тарихида ўта муҳим босқич ҳисобланади, 80-йилларда яратилган барча ижод наъмуналари шуни кўрсатадики, бу замон адиблари залолатга юз тутган миллат олдида туришди, Ғарб маданияти ҳужуми остида бўлишди. Бу адабиёт оғрикли, машаққатли тафақкур жараёнларида шаклланиб ўйғонган, ўзгарган, янгиланган адабиётдир. Шундай эврилишларни бошдан кечирган бўлса-да, бу адабиёт ҳамон ўзининг юқори чўққисига кўтарила олмади, дунёни ҳайратга соладиган натижалар кўрсата олганча йўқ. Бироқ қадим адабиётдан замонавий адабиёт сари ўтиш жараёнидаги ўзига хос мураккаб адабий манзарани ўрганиш ўта муҳим илмий аҳамиятга эгадир, нима бўлганда ҳам унинг траққиётидаги ютуқ ва камчиликлари тадқиқотчилар томонидан пухта ўрганилиши ва хулосалар берилиши даркор”<sup>4</sup>. Гуо Янлининг юқоридаги фикрлари яқин давр адабиётини илмий ўрганиш қанчалик долзарб эканлигини, шунингдек ҳамон ўрганилиши ва хулосалар берилиши ҳамда тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқлар борлигини кўрсатади.

Янги адабий инқилобдан кўп ўтмай айрим адибиётшунослар яқин давр адабиётига фавқулодда кизиқиш билдиришганини кузатиш мумкин. Ху Ши 1923 йилнинг февралдан “Шэнбао” (《申报》) газетасида эълон қилина бошлаган “Сўнгги эллик йилликдаги хитой адабиёти”<sup>5</sup> очеркида 1872 йилдан кейинги Хитойда рўй берган адабий жараёнлар ҳақида мулоҳаза юритади. Унда асосан 1917 йилдан бошланган адабиёт инқилобининг тарихий моҳиятига кўпроқ эътибор қаратилган. Ху Ши яқин давр адабиётининг инқилобгача бўлган даврини мумтоз адабиётнинг “сўнгги овози” сифатида баҳолади. Унинг наздида адабиёт албатта халқ тилига яъни байхуага монанд бўлиши керак, халққа тушунарли бўлмаган адабиёт адабиёт эмас, шу нуқтаи назардан бу давр адабиётининг энг катта ислохоти тил, ва у бевосита сиёсий ироданинг ҳам инъикоси эди. Ху Ши мумтоз тилда ёзилган адабиёт билан байхуа адабиёти ўртасидаги муштарақлик кўрмади, икки адабиётни кескин равишда ўлик ва тирик адабиётга ажратди. Унинг қарашларида бирёқламалик яққол кўриниб турса-да, ўшу давр адабиётдаги эврилишлар моҳиятини дадил кўрсатиб бера олди.

Ху Шидан сўнг Чэн Зижаннинг “Хитой яқин адабиётдаги эврилишлар” ва “Сўнгги ўттиз йилда хитой адабиёти”<sup>6</sup> номли муҳим академик ютуқлардан иборат асарлари пайдо

<sup>2</sup> 游国恩.《中国文学史》.北京：人民文学出版社，2002，460页.

<sup>3</sup> 郭豫衡.《中国古代文学史》.上海：上海古籍出版社，1998，312页.

<sup>4</sup> 郭延礼.中国近代文学发展史.济南:山东教育出版社,1990，1页.

<sup>5</sup> 胡适.五十年来中国之文学,胡适文集.北京:人民文学出版社,1998，356-357页.

<sup>6</sup> 陈子展.中国近代文学之变迁-最近三十年中国文学史.上海：上海古籍出版社，2000，701页.

бўлди. У Ху Ши асарларидан таъсирланган, аммо унинг айрим хато қарашларига қўшилмаганлиги, чуқур илмий мулоҳаза қилиш орқали бу давр адабиётига объектив баҳо беришга ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин. У яқин давр адабиётини фарқли равишда 1898 йилдан бошланади деб ҳисоблайди, бу унеча бўлган вақтда ўзгаришлар жуда секинлик билан амалга ошгани, айнан 1898 йилдан эътиборан том маънода ўзгаришлар бошлангани билан изоҳлайди. Чэн Зижан хитой адабиётининг сўнгги ўттиз йиллик тарихини адабиёт тарихининг узлуксиз, алоҳида ва умумий йўналиш сифатида кўриб чиқиш ғоясини пухталиқ билан амалга оширди. У ўттиз йиллик даврнинг шеърий олами хоҳ янги мактаб бўлсин хоҳ эски мактаб уларнинг ҳар иккаласи ҳам янгиликка интилиш йўлидан борганлиги, янгилик яратиш учун ишлаш уларнинг умумий мақсади бўлган деб ҳисоблайди. Бу қараш кескин ва холис бўлиб, янгилик излаш, ўзгаришга интилиш бу ижтимоий-маданий силкинишлар даврида адабий оламда содир бўлаётган эврилишларнинг умумий қонуниятидир. Чэн Зижаннинг мана шундай қарашлари кейинчалик кўплаб тадқиқотчилар учун ғоявий йўналиш бўлганлигини кўриш мумкин.

Жу Зичэнг “Хитой янги адабиёти тизими - Шеърийят” асарининг киришида<sup>7</sup> шеърийят инқилоби ҳамда замонавий янги шеърийят ўртасидаги узвий муносабатларни аниқ кўрсатиб берди. Бу даврда ижод қилган шоирларнинг индивидуаллиги, уларнинг шеърийятга олиб кирган янгилиги ҳамда камчиликлари ҳақида тўхталади. Унинг фикрича, хитой адабиётида хусусан шеърийятда бўлаётган ўзгаришлар асосан Америка ва Европа адабиётининг таъсирида рўй берди, айниқса бунда Америка импрессионизмининг ўрни катта. Шунингдек, янги шеърийятнинг муҳим асоси сифатида байхуадан кенг фойдаланиш бошланган бўлсада, кўпгина шоирлар шеърийятга ғарб тилларига хос грамматикани сингдиришга ҳаракат қилишаётгани ҳам таъкидланган.

Гуо Моруо Ху Ши сингари мумтоз шеърийятга кескин қарши бўлиб, бор кучи билан янги шаклдаги шеърийятни қўллаб қувватлайди. Шеърда ҳислар эркин сузиши керак деб ҳисоблайди, мумтоз шеърийят ўзининг қатъий ва мураккаб талаблари билан уни кишанлаб ташлайди, бу кишанлардан қутилишнинг ягона йўли янги шаклдаги шеърийят эканлигини таъкидлайди. У янги шеърийятнинг тимсолида эркинликни, озодликни кўради, унга ва эскиликка барҳам берилгандагина эришиш мумкин деб ҳисоблайди.<sup>8</sup>

20-асрнинг 80-йилларига келиб хитой адабиётшунослигида туб бурилиш даври бўлди. Адабиёт тарихи, хусусан замонавий адабиётнинг юзага келиши бўйича янги қарашлар ўртага чиқа бошлади. Бир қатор тадқиқотчилар замонавий адабиётнинг пайдо бўлиш манбалари ва тенденцияларини қайта кўриб чиққач сўнгги Чинг даври адабиёти (1840-1917)га қизиқиш қайта уйғонди. Бу борада Чэн Пингюан<sup>9</sup>, Лю На<sup>10</sup>, Ванг Дэвэй<sup>11</sup>, Чян Жэнганг<sup>12</sup>, Янг Лянфэн<sup>13</sup> каби кўплаб олимлар ўз тадқиқотларини олиб боришди. Уларнинг тадқиқот натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, Чинг сулоласининг сўнгги йилларидаги адабиёт замонавий адабиётнинг пайдо бўлишидаги аҳамиятини, эврилишларнинг моҳиятини осон илғаймиз. Бу нафақат замонавий адабий тадқиқотлар миқёсини кенгайтиради, балки

<sup>7</sup>朱自清.中国新文学大系·诗集[M].上海:良友图书印刷公司,1935,5页.

<sup>8</sup>郭沫若.开拓新诗歌的路.彭放.郭沫若谈创作.哈尔滨:黑龙江人民出版社,1982,58-59页.

<sup>9</sup>陈平原:中国小说叙事模式的转变,上海:上海人民出版社,1988年,326页;二十世纪中国小说史,第一卷,北京:北京大学出版社,1989年,301页.

<sup>10</sup>刘纳:嬗变——辛亥革命时期至五四时期的中国文学.北京:中国人民大学出版社,2010,377页.

<sup>11</sup>王德威:被压抑的现代性——晚清小说新论.北京:北京大学出版社,2005,440页.

<sup>12</sup>钱振纲:20世纪中国文学名作导读.北京:作家出版社,1998,715页.

<sup>13</sup>杨联芬:边缘与前沿 中国现当代文学理论.北京:新星出版社,2018,477页;晚清至五四:中国文学现代性的发生.北京:北京大学出版社,2003,321页.

hozirgi va kelajakdagi zamonauiy adabiyet tadqiqotlarini olib borish va adabiyet tarixini eziish uchun muhim manbalar bulib xizmat qiladi. Sunghi Ching suholasi davri prozalari ustida ishlagan kupchilik olimlarining, xususan Chen Pingyuanning ilmiy yuqklarini kurib chiqish orqali shunga amin bulish mumkin-ki, bu davr romanlarining evrilish traektoriyasi va uziga xos xususiyatlari batafsil eritib berilgan. Taiwanlik olim Wang Dewei va Chen Jieganlarining ishlari ham bundan mustasno emas. Liu Na va Yang Lianfen kabi olimlar yuqorida sanab utilganlardan qisman sheyriyatga ham ehtibor qaratgani bilan farqlanadi. Biroq, zamonauiy adabiyetning yuzaga kelişida sheyriyatning urni, unda ruy bergan uzgariş jaraenlariga tuhtanilmaydi.

Keiingi paytlarda sunghi Ching davri sheyriyati va zamonauiy yangi sheyriyat munosabati buyicha ham bir qator ilmiy tadqiqot ishlari olib borilganligini kurish mumkin. Bu haqda keiingi maqolamizda batafsil tuhtalamiz

#### **FOYDALANILGAN ADOBIETLAR:**

1. 游国恩.《中国文学史》.北京：人民文学出版社，2002，460页.
2. 郭豫衡.《中国古代文学史》.上海：上海古籍出版社，1998，312页.
3. 郭延礼.中国近代文学发展史.济南:山东教育出版社,1990，1页.
4. 胡适.五十年来中国之文学,胡适文集.北京:人民文学出版社,1998:356-357页.
5. 陈子展.中国近代文学之变迁-最近三十年中国文学史.上海：上海古籍出版社，2000，701页.
6. 朱自清.中国新文学大系·诗集.上海:良友图书印刷公司,1935，5页.
7. 郭沫若.开拓新诗歌的路.彭放.郭沫若谈创作.哈尔滨：黑龙江人民出版社，1982.58-59页.
8. 陈平原:中国小说叙事模式的转变，上海：上海人民出版社，1988年，326页；二十世纪中国小说史,第一卷，北京：北京大学出版社，1989年，301页.
9. 刘纳:嬗变——辛亥革命时期至五四时期的中国文学.北京：中国人民大学出版社，2010，377页.
10. 王德威:被压抑的现代性——晚清小说新论.北京：北京大学出版社，2005，440页.
11. 钱振纲:20世纪中国文学名作导读.北京：作家出版社，1998，715页.
12. 杨联芬:边缘与前沿 中国现当代文学理论.北京：新星出版社,2018,477页;晚清至五四：中国文学现代性的发生.北京：北京大学出版社，2003，321页.